ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00475

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ВА ТИЗИМЛИ ЎЗГАРИШЛАР

Чарос Темирова
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти Қарши филиали доцент
charos.temirova@mail.ru

Оксана Раҳмонқулова
Қарши давлат университети ўқитувчи

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада кадрлар сифатини таъминлаш мақсадида таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, хотин-қизлар ўртасида профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга лаёқатли кадрларни тайёрлаш масалаларига бағишланади.

Калит сўзлар: Таълим, тарбия, ўқитувчи, жанубий вилоятлар, хотин-қизлар, профессионал, технология, қишлоқ, лаёқат, малакали кадр, тизим.

COMPREHENSIVE AND SYSTEMATIC CHANGES IN THE EDUCATION SYSTEM

Charos Temirova
Associate Professor, Karshi branch of Tashkent Irrigation and Agricultural Mechanization Institute
charos.temirova@mail.ru

Oksana Rahmonkulova
Teacher, Karshi State University

ABSTRACT

This article is devoted to the fundamental revision of the education system in order to ensure the quality of personnel, expand the opportunities for women to obtain professional knowledge, train highly qualified specialists, train personnel who are able to work in new conditions, and new modern technologies.

Keywords: education, upbringing, teacher, southern regions, women, professional, technology, village, abilities, qualified personnel, system.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00475

КИРИШ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилиятини, истеъдодини рўёбга чиқариш орқали оила ҳамда жамиятдаги мавқеини юксалтиришга катта эътибор қаратиб келинаётгани боис бугунги кунда барча соҳаларда фаол аёллар ўз ўрнини топиб бормоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга ошириб келинаётган ижтимоий йўналтирилган бозор ислоҳотлари самарадорлигини таъминлашда аёллар ролининг ортиши, уларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиш, оналик бурчларини бажариш билан бирга, ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларнинг яратилганлиги шундан далолат беради, республика ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган туб ўзгаришлар, янгиланишлар туфайли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш демократик жараёнларни амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бўлиб келмоқда. Бу масала ҳозирги пайтда долзарб муаммо ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон хотин-қизлари орасида таълим соҳасида фаолият олиб бораётган етук малакали мутахассис кадрлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёв “...илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёж 5 мингдан зиёдни ташкил этади”, “бу масала бизнинг келажагимиз, бизнинг эртанги кунимиз”[1] дея алоҳида таъкидлаган эди. Айнан шу мақсадларга эришиш учун мамлакатимизда ўқитувчилар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларнинг юксак малака талаб этадиган меҳнатини рағбатлантириш тизими яратилди. Педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнгги 10 йилда илк марта 50 фоизгача кўпайтирилиши таълим сифатини янада оширишга, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, уларни ўз устида ишлашларига янада кенгроқ имкон яратишга қаратилган муҳим қадам[2]лардан бири бўлди.

Айнан кадрлар сифатини таъминлаш мақсадида таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, хотин-қизлар ўртасида профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга лаёқатли кадрларни тайёрлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этди ва бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00475

борада қатор самарали ишлар амалга оширилди. Ушбу масалани Ўзбекистон жанубий вилоятлари мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, таълим муассасаларини педагогик кадрлар билан таъминлаш Қарши Давлат университети ҳамда Термиз Давлат университети муҳим роль уйнайди.

Термиз Давлат университети Сурхондарё вилояти таълим муасса-саларини кадрлар билан таъминлашда асосий ўрин тутди. Ушбу универ-ситетда 13 та факультет ва 55 та кафедрада 450 дан зиёд профессор-ўқитувчилар фаолият олиб борди. 1991-1992 йил ушбу ўқув юртида 7811 та талаба таҳсил олди. Университетда турли ихтисосликлар бўйича талабалар тайёрланди[3]. Тарих, она тили, адабиёт, математика, физика, жисмоний тарбия, мусиқа, чет тили, биология каби фанлардан олий маълумотли ўқитувчилар тайёрланди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Қарши Давлат университети ҳам Қашқадарё вилояти умумтаълим мактабларини ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш юзасидан жиддий ҳаракат олиб борди. Университетдаги физика-математика, кимё-география, биология-тупроқшунослик, касбий таълим, ўзбек филологияси, хорижий тиллар, тарих, педагогика, жисмоний маданият факультетларида олий маълумотли ўқитув-чилар тайёрланди. Мустақиллик йилларида университетда ҳар ўқув йилида 1000 дан зиёд мутахассислар тайёрлаб чиқарилди. Мутахассисларни жаҳон стандарти талабларига мувофиқ тайёрлашда катта эътибор қаратилди. Янги замон талабларидан келиб чиқиб, кафедраларда ўқитиладиган фанлар, уларнинг ўқув дастури, ўқув қўлланмалари ва дарсликлари қайтадан тайёр-ланиб, нашр этилди. Масалан, университетнинг биология факультетида 70 дан ортиқ илмий мақола, 4 та рисола, 4 та дарслик ва ўқув қўлланма, 2 та монография тайёрланди[4].

Мустақиллик йилларида давлат томонидан умумтаълим мактабларини турли фанлар бўйича ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш иши кун тартибига долзарб масала қилиб қўйилди ва ушбу соҳага бўлган эътибор янада кучайтирилди. Сурхондарё вилоятида 1991-1992 ўқув йилида жами 18030 нафар олий маълумотли ўқитувчилар фаолият олиб борган бўлса, 2000-2001 ўқув йилида улар сони 22144 га етди. Олий маълумотли ўқитувчиларнинг асосий қисмини 5-11 синф фани ўқитувчилари ташкил этди, уларни фан бўйича тақсимланса, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, физика ва математика фанлари ўқитувчилари кўпчиликни ташкил қилди. Масалан, 2005-2006 ўқув йилида 5-11 синф ўқитувчилари сони жами 18551 бўлса, шундан 3049

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00475

нафарини ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, 2556 нафарини математика фани ўқитувчилари ташкил этди[5].

Олий маълумотли ўқитувчилар сони туманлар бўйича таҳлил этилганда, бу борада олиб борилган ишлар турлича эканлиги маълум бўлди.

1999 йил Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида 4810 дан зиёд педагог кадрлар фаолият олиб борди. Шундан 3320 киши олий маълумотли бўлиб, умумий ўқитувчилар сонининг 69 фоизини ташкил этди. Мактаб ўқитувчилари орасида олий маълумотли мутахассислар кўпайиб борди.

Қишлоқ таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлаш юзасидан маҳаллий ҳокимият органлари томонидан муайян чора-тадбирлар олиб борилди. Хусусан, 1995 йил 22 декабрда Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси билан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ўртасида кадрлар масаласи бўйича битим имзоланиб, ҳар икки томоннинг мажбуриятлари келишиб олинди. Вилоятнинг Баҳористон тумани мактабларида педагог кадрлар танқислиги бошқа ҳудудларга нисбатан кучли бўлганлиги сабабли халқ таълими бўлими ихтиёрига бир гуруҳ ёш ўқитувчилар йўлланма билан ишга жўнатилиб, уларни турар-жой, томорқа ери билан таъминлаш юзасидан қатъий чоралар белгиланди. Шунингдек, уларнинг иш ҳақларига 50 фоизгача қўшимча иш ҳақи берилди. Давлат томонидан мактаб ўқитувчиларини ижтимоий ҳимоялаш иши йилдан-йилга яхшиланиб, уларнинг имтиёзлари кўпайтирилиб борилди. Масалан, 1996 йил Қашқадарё вилояти педагог ходимларни ижтимоий суғурта маблағидан қилинган сарф-харажат 14 млн. сўмдан ошиб кетди[6].

Сурхондарё вилояти таълим муассасаларида ўқитувчи кадрларга бўлган талаб ортиб борди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Сурхондарё вилоятининг фаоллар йиғилишида сўзлаган нутқида вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларига 1589 нафар ўқитувчи етишмаслигини таъкидлади. Вилоят умумтаълим мактабларида ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж 1997 йилда 1976, 1998 йилда 1306 та, 1999 йилда эса 1589 тани ташкил этди. Ёш мутахассисларни мактабларга жалб этиш иши ҳам тўхтовсиз олиб борилди. 1999 йил 1055 нафар, 2000 йил эса 900 нафар мутахассислар мактабга жалб этилди[7].

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб барча таълим муассасаларида ўқитувчилар танлов асосида ишга олинди. Педагог кадрларни танлашда “Таълим тўғрисида”ги Қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларига риоя

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00475

қилинди. 2000 йил Қашқадарё вилояти халқ таълими соҳасига 1225 нафар ўқитувчи янги талаблар асосида ишга қабул қилинди.

2001-2002 ўқув йилида Қашқадарё вилояти таълим муассасаларида жами 49173 ўқитувчи фаолият олиб борди. Уларнинг 33848 нафари олий (68,8%), 1292 нафар тўлиқсиз олий (2,6 %), 14016 нафари ўрта махсус (28,6 %) маълумотли эди. Шу ўқув йилида хорижий тил ўқитувчиларига бўлган талаб катта бўлди. Вилоятдаги 1082 мактабдан 98 тасида мутахассислар бўлмаганлиги сабабли чет тили ўқитилмасдан келинди. Умуман, шу ўқув йилида вилоят таълим муассасаларига 689 та турли фан ўқитувчилари етишмади.

2003-2004 ўқув йилида Сурхондарё вилояти умумтаълим мактабларида жами 37,0 минг ўқитувчи фаолият олиб бориб, шундан 58,4 фоизи олий, 37,2 фоизи ўрта махсус маълумотли эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлда “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 321-сонли Қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда таълим тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг мукаммал шаклини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

2004-2005 ўқув йилида Қашқадарё вилояти мактаблари учун 1431 нафар ўқитувчига буюртма берилди. Масалан, математика фанидан 133 ўқитувчи, 320 инглиз тили, 96 тарих, 112 она тили ва адабиёти фани ўқитувчисига буюртма берилди[8].

2001-2004 йилларда вилоят мактабларига 2045 олий маълумотли педа-гог мутахассислар ишга қабул қилиниб, уларнинг 215 нафари Ғузор тумани, 297 нафари Косон тумани, 170 нафари Шаҳрисабз тумани мактабларига, 164 нафари Яккабоғ туманига ишга жойлаштирилди. Ёш мутахассислар мактабларга ишга жойлаштирилиб, уларга ишлаш учун барча шароитлар яратиб берилди. Туман мактабларининг ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжи ўрганилганда, Нишон тумани мактабларига 26, Шаҳрисабз туманига 73, Деҳқонобод туманига 130, Чироқчи тумани мактабларига 140 нафар мутахассислар кераклиги маълум бўлди. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи ва Деҳқонобод тумани мактабларини олий маълумотли кадрлар билан таъминлаш иши қониқарсиз даражада бўлиб қолаверди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00475

2003-2004 ўқув йилда Қашқадарё вилояти умумтаълим мактабларида фаолият олиб борган 54,9 минг ўқитувчидан 43,9 минги қишлоқларга тўғри келди. Сурхондарё вилоятидаги 37,8 минг ўқитувчидан 33,9 минги қишлоқларда ишлади.

2007-2008 ўқув йилида Ўзбекистон мактаблари ўқитувчиларининг 68,9 фоизи олий маълумотли бўлса, 25,6 фоизи ўрта махсус маълумотли эди. Қашқадарё вилоятида бу 65,9 ва 29,5 фоизни, Сурхондарё вилоятида 56,2 ва 39,7 фоизни ташкил этди. Демак, ҳар иккала вилоятда олий маълумотли ўқитувчилар кўрсаткичи республика кўрсаткичидан орқада бўлди.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар олиб борилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақларини ошириш, шунингдек, иш ҳақларига устамалар белгилаш, уларни дам олишлари учун керакли шарт-шароитлар яратиш, коммунал тўловларда, уй-жойларни хусусийлаштириш борасида бир қатор имтиёзлар берилди.

Давлат томонидан ўқитувчиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли, бу соҳа мутахассисларининг эл ичидаги обрўйи ортиб борди. Республика ёшлари ўртасида ўқитувчилик касбига қизиқиш кучайди. 1998-1999 ўқув йилида ўқитувчиларнинг мактабдан кетиб қолиш жараёни бутунлай тўхтади. Шунингдек, педагогика институтларига кириш учун абитуриентлардан тушаётган аризалар сони йилдан-йилга кўпайиб борди. 1999-2000 ўқув йилида республика педагогика институтлари қабул комиссияларига 4906 ўринга 17631 та ариза тушди. Энг кўп аризалар тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, ўзбек тили ва адабиёти, бошланғич таълим методи-каси каби факультетларга кириш учун топширилди. Бу ҳолат вилоятларда олий маълумотли кадрлар сонининг ортишига ижобий таъсир кўрсатди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ ўқитувчиларининг фидокорона меҳнати давлат томонидан муносиб тақдирлаб борилди. Масалан, биргина 1991-2004 йиллар давомида Қашқадарё вилояти бўйича 141 нафар ўқитувчи давлат мукофоти билан, 690 нафари “Республика халқ таълими аълочиси” ва 706 нафари “Қашқадарё вилоят халқ таълими фидойиси” нишони билан тақдирланди. Таълим муассасалари кадрлар сифатини яхшилаш мақсадида педагог кадрлар аттестациясидан ҳам ўтказиб турилди.

Таълим муассасалари фаолиятини ижобий ташкил этилиши кўп жиҳат-дан соҳа кадрларининг малакасига ҳам боғлиқдир. Истиқлолнинг дастлабки йилларида педагогик малакасини ошириш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурияти туғилди. Масалан, малака ошириш институти тингловчиларидан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00475

сўровнома олинганда, уларнинг 48 фоизи олийгоҳларда олган билимлари билан мактаб ҳаётига киришгач етарли бўлмай қолганлигини эътироф этдилар. Бу даврда ўқитувчи кадрлар тайёрловчи олийгоҳларнинг мактаблар билан алоқаси етарли даражада бўлмаганлиги натижасида ёш кадрларнинг мактаб ўқитувчисига қўйилаётган замон талабларига жавоб бера олмаслик ҳолатлари кўриниб қолди. Ёш ўқитувчилардан нафақат ўзлари ўқитадиган фан бўйича билим ва кўникмага эга бўлиши, балки, уларда болалар билан ишлаш, хусусан, ўқувчилар психологик ҳолатини тўғри таҳлил қила билиши, ҳозирги замон янгиликларидан бохабар бўлиб, уларни амалиёт билан боғлай олиш каби малакалар ҳам мужассамлашуви талаб этилди.

1991-1994 йиллар давомида Қарши туманидан 1200 нафар ўқитувчи қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларидан ўтказилди. 1994-1995 ўқув йилида Косон туманидан 56 нафар ўқитувчи ўз малакасини оширди. Ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш иши йиллар давомида тубдан яхшиланиб борилди. Бу даврда энг долзарб масалалардан бири, лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш бўлди. Ушбу масалани ижобий ҳал этиш учун қишлоқ мактабларида махсус ишчи гуруҳлар фаолият олиб борди. Биргина, Қамаши туманида 1994-1996 йиллар давомида 3 мингдан зиёд ўқитувчи ва тарбиячилар лотин алифбоси бўйича қайта тайёрловдан ўтиб, ҳужжат олди[9].

Жорий йил педагог кадрлар етишмаслигининг олдини олиш мақсадида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Термиз, Термиз давлат университетининг Денов филиаллари ташкил этилди. Юртимизнинг 15 та олий таълим даргоҳида очилган махсус сиртқи бўлимларида 9 мингдан ортиқ махсус маълумотга эга педагогнинг олий маълумот олиши имконияти яратилди. Ижтимоий соҳа тармоқларида (соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот, маданият ва бошқа тармоқларда) аёлларнинг улуши энг юқори бўлиб, бу тармоқлардаги иш ҳақи 1998 йили ўртача республика даражасининг 60 %дан 75 %гача миқдорини ташкил қилган. Республика Хотин-қизлар қўмитаси иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан ўтказилган текширув доирасида сўров ўтказганда аёлларнинг 85 %идан кўпроғи республика бўйича ўртача иш ҳақидан паст миқдордаги даромадга эга бўлганлиги, асосан, қишлоқ жойларда бундай аёллар 94 %ни ташкил қилиши аниқланган. Сўровномада қатнашган аёлларнинг 67 %и ўз маошидан қониқмаслигини, 52 %и эса иш уларнинг моддий мустақиллигини таъминламаганини билдирган[10]. Хотин-қизлар ўртасида мавжуд бўлган бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00475

каби муаммоларни ижобий ҳал қилиш, улар камситилишини бартараф этиш ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишга жалб қилиш учун барча ҳуқуқий шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори таълим тизиимдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат бўлди. Бунга кўра, олий таълим муассасалари томонидан тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ҳамда дастурларининг кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига кўра, мустақил равишда ишлаб чиқилиши ҳудудларда малакали кадрлар билан боғлиқ муаммоларга ечим топади.

ХУЛОСА

Хуллас, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан бирига айланди. Таълим-тарбия ишини яхшилашнинг асосий шарти сифатида кадрлар сиёсати белгиланди. Шунга мувофиқ, хотин-қизлар учун таълим олишда имтиёзли таълим кредитлари фоизи ва муддатини узайтириш ва масофавий таълим тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазаев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004, – Б. 531.
2. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси.
3. Ўзбекистонда бошланғич ва ўрта таълим тизими. Статистика тўплами.фактлар ва рақамлар. 2000-2006.– Тошкент, -№ 5. 2007.–Б.84.
4. Образование Узбекистана. (Ст сб.). – Ташкент, 2008. – С. 8.
5. Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. –Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – Б. 19.
6. Qashqadaryo, 2004, 15 декабрь.
7. Маърифат, 1996, 2 октябрь.
8. sputniknews-uz.com
9. uza.uz
10. “Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволи” ҳақидаги маъруза. БМТРД (Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ривожланиш дастури) “Гендер ва ривожланиш” бюросининг ташаббуси билан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан иқтисодий тадқиқотлар маркази ва “Гендер ва тараққиёт” RBEC/UNDP регионал дастури. – Тошкент: 1999. – Б.27.